

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
АХБОРОТ ХАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6-мартдаги 178-Ф сонли фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 12-мартдаги 233-сонли буйруғи асосида Самарқанд давлат университетида 2018 йил 24-25 ноябрь кунлари “Талаба-ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммолари” мавзусида республика миқёсидаги илмий-амалий конференция ўтказилади.

**Конференцияда қуйидаги йўналишларда масалалар муҳокама этилади:**

1. Оила педагогикаси ва психологиясида замонавий ёндашувлар, анъана ва инновациялар.
2. Инновацион таълим муҳитида талабаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш муаммолари ва истиқболлари.
3. Оила таълим субъекти сифатида.
4. Талабаларда инклюзив таълимга оид касбий компетенцияларини шакллантириш

**Мақоланинг мазмунига қўйиладиган талаблар:**

- Мақола тўпламининг рукнларига мос келиши, унда долзарб илмий муаммо кўтарилиши, ечимлари, таклиф этилаётган ғояларнинг мазмуни, назарий ва амалий аҳамияти аниқ ёритиб берилиши ва яқунланган бўлиши лозим;
- мақоланинг мазмуни, келтирилган маълумотлар ва уларнинг илмий асосланиши, стилистик хатоликлар ҳамда манбаларнинг ишончлилиги учун муаллифлар масъулдирлар;
- мақола матнида турли қисқартмалардан фойдаланмаслик (зарур ҳолларда уларнинг ёйилмаси матнда келтирилиши лозим), матн ва жадвалларни таҳрирлашга таъқиқ қўймаслик тавсия қилинади.

**Мақолани расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар:**

Матнлар Microsoft Word матн муҳаррири ёрдамида, Times New Roman шрифтида, 14 ўлчамда, 1,5 интервалда, юқори ва пастдан 2 см, ўнгдан 1,5 ва чапдан 3 см қолдирилган ҳолда тайёрланади. Матн сарлавҳасининг ост қисмида муаллиф(лар)нинг исми, шарифи ва фамилияси, илмий даражаси, иш жойи кўрсатилади ва сарлавҳадан сўнг бир интервал ташлаб асосий матн келтирилади. Жадваллар ва чизмаларнинг рақамлари ва номланиши уст қисмига жойлаштирилади. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати матн сўнггида берилади. Ҳаволалар мақола матнида келтирилади ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидаги тартиб рақами ва саҳифаси кўрсатилади (масалан: [1, 49-б.]). Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида, электрон вариантда, А4 форматда, 2-3 бет ҳажмда **2018 йилнинг 10 октябригача** қабул қилинади. Конференция хабарномасини <http://samdu.uz/konferensiyasamdu> сайтидан олиш мумкин.

**Муаллиф(лар) ҳақида маълумотлар** (мақола матни сўнггида берилади).

1.	Муаллифнинг Ф.И.Ш. (тўлиқ)	
2.	Илмий даражаси ва унвони	
3.	Иш жойи ва лавозими	
4.	Мақоланинг мавзуси	
5.	Рукн номи	
6.	Телефон рақами	
7.	Электрон почта манзили	

**Ташкилий қўмита манзили:** Самарқанд шаҳри Университет хиёбони, 15. E-mail: [conf-pf@umail.uz](mailto:conf-pf@umail.uz), [conf-pf@mail.ru](mailto:conf-pf@mail.ru). Боғланиш учун телефон рақамлари: +998912971191 (М.Пўлатова), +998977934229 (Д.Сулаймонова).

**Тадбирни ўтказиш жойи ва санаси:** Самарқанд давлат университети Педагогика факультети биноси, 2018 йил 24-25 ноябрь.